

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

ҳузурдаги вилоят

“Компьютерлаштириш маркази”

ДУК директори в.б

Ф.Саидов

“20 / май” 2016 йил

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатини кўриб чиқиш

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига ариза, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш
Барча соҳалар учун.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ва хизмат кўрсатиш манзили.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд. Веб-сайтдаги хаволаси

<http://surxondaryo.uz/uz/?ix=1&bt=2>

1.4. Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:

Жисмоний ва юридик шахсларга.

1.5. Шикоят аризаси бериш тартиби:

Ариза ёки шикоят юзасидаи қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушинтириши шарт.

1.6. Қонуний асоси.

1. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (ЎРҚ-378-сон 2014 йил 3 декабр)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 август "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181- сонли қарори

1.7. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддати.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

2.1. Хизмат кўрсатиш жойи.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг расмий-веб сайти орқали маълумотларни олиш мумкин.

2.2. Талаб қилинадиган хужжатлар.

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг мохияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг мохияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам кўшимча равишда ёзиб кўйилиши керак.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

09-00 дан 18-00 гача. Тушлик 13-00 дан 14-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари.

Кутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни.

4.1. Хизмат учун тўлов.

Хизмат бепул

4.2. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари.

Босқичлар мавжуд эмас.

4.3. Рад этиш сабаблари.

Кўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

Аноним мурожаатлар; Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги виртуал мурожаат орқали ўз баҳоларини кўйиши мўмкин.

6. Натижани олиш усуллари:

Мурожаатчига мурожаат натижаси ҳақида ёзма шаклда хабар берилади, ёзма хабар почта ёки электрон почта орқали жўнатилади.

6.1. Хизмат натижаси:

Мурожаатчига мурожаатни кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг мохияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Мурожаат жавобини давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс имзолайди.